## Сўранг, жавоб берамиз

**Ўн ёшли ўғлимнинг исми ва фамилиясини ўзгартиришим мумкинми? Шу тўғрида маълумот берсангиз.**

**М.Абдуллаева, ҳамшира.**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола 16 ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек, берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир. Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота-она болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва ота-онанинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шароитда туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган даврдаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли. Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

* * *

**Мен ҳозир ногиронлик пенсиясини оламан. Кейинги йил эса 60 ёшга кираман. Айтинг-чи, ёшимга доир нафақа ногиронлик нафақамга қўшиб бериладими?**

**М.Ниёзметов, II-гуруҳ ногирони.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 292-моддасида «Пенсия гуруҳини танлаш ҳуқуқи» кўрсатилган. Турли хилдаги давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга бўлган суғурта қилинган ходимларга (боқувчисини йўқотган ҳолларда эса уларнинг оила аъзоларига) уларнинг ўзлари танлаган пенсиянинг битта тури тайинланади.

* * *

**Байналмилал жангчиларга ҳам имтиёзлар бўйича бензин пули ва у оламдан ўтганидан сўнг унинг пенсияси турмуш ўртоғига бериладими?**

**Ф.Собирхонов, пенсионер.**

Сиз ўзингизни байналмилал жангчи дегансиз. Байналмилалчи жангчи билан байналмилал ногиронларга бериладиган имтиёзлар ўртасида фарқ бўлиб, байналмилал ногиронлар автомашинасига бензин учун товон пули олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиз олаётган пенсиянгиз ҳақида ҳам аниқ айтмагансиз. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам байналмилал жангчиларга вафотидан кейин уларнинг турмуш ўртоғига боқувчисини йўқотганлик пенсияси умумий асосларда тайинланади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

**Кеча Тошкентда «Электрон ҳукумат: «Информацион жамият» сари ҳаракат» мавзусида халқаро конференция ўз ишини бошлади.**

*Анжуманлар*

# ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ — РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ

Шуни айтиш керакки, электрон ҳукумат тушунчасига 90-йилларда асос солинган бўлсада, аслида бу борадаги амалий ишлар бир неча йил илгари дастлаб АҚШ ва Англияда, кейинчалик Италия, Норвегия, Австралия, Сингапур давлатларида бошланди.

«Электрон ҳукумат» деганда шунчаки «веб-сайт»лар мавжудлиги ёки электрон почта орқали амалга ошириладиган интерфаол ҳаракатдаги мулоқотни тушуниш керак эмас. Электрон ҳукумат яратилиши — мураккаб жараён ва айни кескин ривожланиш даврида ҳар бир давлат учун ўта муҳим ва долзарб масаладир. Шу билан бирга маъмурий ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ ушбу тизим қачонки тўлиқ равишда ўзини намоён этсагина, ўз функционал вазифаларига жавоб берган бўлади. Электрон ҳукумат — бу барча босқичдаги давлат идораларининг бошқарув тизимини ахборотлаштириш, идоралараро муносабатларни шу жараёнга боғлаш, давлатнинг аҳоли ҳамда юридик субъектлар ўртасидаги алоқаларини компьютер тизими орқали такомиллаштириш демакдир. Бир сўз билан айтганда, электрон ҳукуматнинг моҳияти ҳукумат фаолиятини Интернет тизимига ўтказиш, яъни турли ахборот тармоқлари орқали давлат бошқаруви ҳамда фуқаролар билан алоқани ташкил этишдан иборат.

Бу борада ҳукумат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада сифат босқичига кўтариш мақсадида мамлакатимизда ҳам саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Чунончи, кейинги йилларда ахборот-коммуникацион технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган «Ахборотлашув тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида», «Электрон коммерция тўғрисида» каби қатор қонуний ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Саноат, транспорт ва алоқа масалалари бўйича қўмита раиси Изидор Кочмарик ушбу йўналишда қонунчилик негизини янада мустаҳкамлашда электрон тўловлар, давлат бошқаруви ва ҳукумат органларида маълумотлар тўплами стандарти, ахборот хавфсизлиги тўғрисида қонунлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши мақсадга мувофиқлиги, бу эса электрон ҳукумат фаолиятини амалиётга татбиқ қилишда ҳуқуқий негиз яратилишига қўл келади, деб таъкидлаб ўтди.

Икки кун давом этадиган анжуманда «Давлат-давлатга», «Давлат — бизнесга», «Давлат — аҳолига» уч йўналишдаги хизматлар, электрон ҳукумат инфратузилмасини ривожлантириш, ҳукумат ҳужжатлари айланмаси тизимини такомиллаштириш мезонлари хусусида ахборотлар тингланиб, «СаП», «Алкател» компаниялари мисолида халқаро тажрибалар алмашилади. Шунингдек, ялпи ва гуруҳ мажлисларида Ўзбекистонда электрон ҳукуматнинг қонуний асослари, аҳволи ва истиқболи, уни ривожлантириш концепциясига доир муҳокамалар давомида мамлакатимизда электрон ҳукуматни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Конференцияда АҚШ, Испания, Германия, Россия, Қозоғистон, Афғонистон давлатлари, шунингдек, Жаҳон банки, ЕТТБ, «Микрософт», «Алкател», «САП», «Оралже» хорижий ва халқаро компанияларнинг 250 дан зиёд вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгаши, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури, «Рақамли ривожланиш ташаббуси» (ДДИ) дастури ва «Узинфоком» маркази томонидан ташкил этилган мазкур халқаро конференция бугун ўз ишини давом эттиради.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 35-оилавий поликлиникада «Боғ кўча», «Обиназир» маҳаллалари фаоллари, 102-мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 14-сессиясида баён қилинган долзарб вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган тадбир туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Театр арбоблари уюшмаси томонидан ЭРТАГА пойтахтимиздаги олтита Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун театрлаштирилган тадбир ўтказилади.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги Марказий кутубхонада бўлиб ўтган тадбир «Қариси бор уйнинг париси бор» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Эндокринология илмий-текшириш институти ҳамкорликларида шифокорлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман эндокринологиянинг долзарб муаммоларига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

***Куни кеча чалинган сўнгги қўнғироқ яна бир ўқув йилига якун ясади. Халқ таълими бош бошқармаси маълумотига кўра, бу йили 40 мингга яқин битирувчилар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўз кучини синаб кўриш учун ошиқади. Лекин қолганлари, етти ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар уч ой таътил давомида нима билан машғул бўлади?***

Анъанага кўра, мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиши ва соғломлаштириш мавсуми 1 июндан бошланади. Бу борада 25 майга қадар тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар ўз тузилмалари негизидаги оромгоҳларнинг ёзги мавсумга тайёргарлиги ҳақида махсус комиссияга маълумот тақдим этишлари лозим эди. Бироқ дастлабки таҳлиллар бўйича вақт оз қолганига қарамасдан болалар оромгоҳларининг асосий қисмида тайёргарлик ишлари тўлиқ бажарилмаган. Аслида анча илгаридан ечими хусусида бош қотирилиши лозим бўлган айрим муҳим масалаларнинг энди кун тартибига чиқарилаётгани ҳам ҳақли равишда эътирозларни келтириб чиқариши ўринлидир.

Шундай бўлсада, уч ой таътил давомида ўқувчи болаларнинг мазмунли ва мароқли дам олиши таъминланадими? Шу каби долзарб масалалар Тошкент шаҳар ҳокимлигида туман ҳокимликлари, халқ таълими, касаба уюшмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда муҳокама этилди.

Жорий йилнинг ёз мавсумида пойтахт ўқувчилари учун 21 та шаҳар чеккасидаги, 8 та санаторий кўринишидаги соғломлаштириш ва 25 та мактаб шароитидаги оромгоҳлар хизмат кўрсатиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг умумий қуввати — 35 минг нафар болага мўлжалланган.

Касаба уюшмалари шаҳар Кенгаши маълумотига қараганда, пойтахтдан ташқарида жойлашган «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Оқтош», «Нилуфар» («Улгуржисавдо» АЖ), «Шарқ юлдузи» («Тошкишлоқмаш» АЖ), «Оби ҳаёт» («Тошкент экскаватор таъмирлаш тажриба-механика заводи» АЖ) оромгоҳлари турли сабабларга кўра 2004 йил мавсумида фаолият юритмайди. Шу боис стационар — турғун оромгоҳлар сони 2003 йилга нисбатан тўрттага, болаларни соғломлаштириш имкониятига — 3870 тага камайиши кузатилади.

Халқ таълими бош бошқармаси маълумотига кўра, бугунги кунда 6-14 ёшдаги ўсмирлар сони 290 минг зиёддан иборат бўлса, ёзги бўш вақтини улар қаерда ва қандай ўтказади?

Ота-оналар билан дастлаб ўтказилган сўров-суҳбатлар натижасига асосан болаларнинг 16 мингга яқини ёз кунларида маданият уйлари қошидаги турли тўгараклар ва қисқа муддатли ўқув курсларига қатнайди, 37 мингтаси — спорт тўгаракларига боради, 42 минги — мактабларда ташкил этилган спорт майдончаларида машғул бўлса, 37,5 мингтага яқини — қўшимча таълим марказларида фаолият кўрсатаётган тўгаракларнинг аъзолари ҳисобланади. Мактаб ўқувчиларининг 29 мингдан кўпроғи ота-онаси билан оила шароитида дам олиши кўзда тутилган.

Пойтахтимизда 315 та умумтаълим ўқув масканлари мавжуд, лекин юқорида айтиб ўтилганидек, атиги 25 та мактабда бир мавсумга мўлжалланган 18 кунлик оромгоҳ ташкил этилиши кутилмоқда. Бу дегани оромгоҳнинг ҳар бири 100 нафар болага мўлжалланган бўлса, умуман олганда 2,5 минг ўқувчининг мазмунли дам олиши таъминланади. Мактаблар қошидаги оромгоҳлар фаолиятини узайтириш имкониятининг чекланганлиги эса молиявий сабабларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ота-оналар фарзандининг 18 кунлик дам олиши учун йўлланманинг 20 фоизини, яъни 3510 сўм тўлайди. Кун давомида эрталабки соат 9 дан 18 гача болалар ёз мавсумида ўз вазифасини тарбиячига ўзгартирган устозлари қарамоғида бўлади. Мактаб негизида оромгоҳлар ташкил этиш бўйича услубий талабномаларга кўра, бундай шароитда болаларнинг самарали дам олиши шубҳасиз — улар 10-15 та йўналиш бўйича турли тўгаракларда шуғулланишади, уч марта иссиқ овқат билан таъминланади. Бу эса, албатта, тоғ бағридаги сўлим гўшаларда дам олишдан анча фарқ қилади (шаҳар чеккасидаги оромгоҳларга йўлланма баҳоси 70 минг сўмга яқин), лекин арзондир. Тўғри, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Оролбўйида истиқомат қилувчи болалар, кам таъминланган оилалар фарзандларига бу борада бепул дам олиш таъминланади. Шу боисдан бўлса керак, кўпчилик ота-оналарнинг фарзандлари уйига яқин, қадрдон бўлиб қолган мактаби шароитида хордиқ чиқаришини истаётганини тўғри тушуниш мумкин. Йиғилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, кўпроқ пойтахт мактаблари негизида болаларнинг дам олишлари учун шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берилди ҳамда бу борада харажатлар мактабларга берилаётган имконият — бюджетдан ташқари орттирилган маблағлар ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди.

Шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва касаба уюшмалари Кенгаши ахборотларига кўра, афсуски, аксарият соғломлаштириш оромгоҳларининг ўз фаолиятини вақтида бошлаши ҳамон гумонлигича қолмоқда. Чунончи, «Қуёшли», «Нурафшон», «Ёш куч», «Конструктор», «Меҳржон» болалар оромгоҳлари тайёргарлик ишларига анча кеч — мартдан эмас, май ойидан киришган. «Шодлик», «Ширин булоқ», «Зафар», «Белдирсой», «Машъал», «Қизилсой», «Гулбаҳор» ва Гагарин номли оромгоҳларда ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари ҳанўз бошланмагани боис уларнинг қачон ишга туширилиши ҳам номаълум.

Шу билан бирга Тошкент Давлат техника университети, «Алгоритм», «Технолог», «Тошнефтгазқурилиш» ақциядорлик жамиятлари, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси, «Қизилтепагеология» Давлат корхонаси, «Нурафшон» хусусий корхонаси бу масалага жиддий ёндошиб, ўз тасарруфидаги оромгоҳларни болаларни қабул қилишга шай қилиб қўйганларини таъкидлашди.

Лекин айрим дам олиш масканларида шу кунга қадар сантехника тармоқларини таъмирлаш, ошхоналарни тартибга келтириш, ҳудудини ободонлаштириш, ёнғинга қарши ускуналар бўйича камчиликларни бартараф этиш каби масалалар ҳал этилмаган.

Йиғилишда айрим ёзги соғломлаштириш муассасаларининг ночор кўринишдаги аҳволига урғу берилиб, бу борада ҳар бир мутасадди раҳбар энг муҳим масала — болаларнинг мазмунли ва мароқли дам олиши, ёз давомида оромгоҳлар ўқув-тарбия жараёнининг мантиқий давоми бўлиб қолиши учун саъй-ҳаракат қилиши, барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда тегишли шарт-шароитларни яратиб бериши даркор дея таъкидланди. Шунингдек, айрим корхона ва ташкилотларнинг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, йил давомида оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

Шарқ дурдоналари

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...**

● ҲИКМАТ. Бир вақт Ҳирот шаҳридаги фалакия мадрасасида ваъз ўқир эдим. Бир дарвеш: «Алиф тўғриликни ва ҳамма ҳарфлардан олдинликни қандай қўлга киритди?» деб сўраб қолди. Мен дедим: «Озодалик ва барча нарсалардан фориқлик билан. Кўрмайсанми, «бе»нинг нуқтаси (яъни доғи) борлиги учун, эгриликдан қутулиб, олдинга ўтолмайди!» дедим.

● Бир вақтда бир тўда дарвешлар билан бир шаҳарга етиб келдик ва шаҳар подшосининг золим эканини билдик. Бир-биримизга дедик: «Бу ерда туришга ният ва яшашга ҳаракат қилмайликки, зулм сабабидан диёр хор, золим эса, ўтда куйишга сазовордир. Агар бирор тоифа устига бало ёғилса, катта-ю кичикка баробар таъсир қилади.

**Бир диёрга тушса,**
**офат ва бало,**
**Ҳалок бўлар катта-кичик**
**бегумон.**
**Бир далага тушса**
**ёнгину олов,**
**Бирдек куяр ҳўлу**
**қуруқ ўша он!**

У диёрдан кетишга қарор қилгач, татар мамлакати сари йўл олдик. Бир неча турк икки хуржун олтин билан бизга ҳамроҳ бўлдилар. Бундан огоҳ бўлган ўғрилар тоифаси изимиздан кела бошлади. Золим подшо эса ўғрилар бизни қатл этиб, молимизни тортиб олишгач, уларни тутиб, ўзларини ўлдириб, таланган молни ўз хазинасига олиш мақсадида ўғрилар орқасидан лашкар юборди.

Дам олишга турганимизда одамлар овқат ейишга машғул бўлдилар. Дўстларидан бири менга деди: «Шу яқин атрофда ов қиладиган чашма бор, ёнимизда эса камон. Агар лозим кўрсанг, ўша жойга борайлик. Эҳтимол биронта ов домга тушиб қолар!» У ерга бориб бир пана жойга бекиндик. Ногоҳ бир жойдан ит овози эшитилди, мен уларга: "Туринглар, ит овози келяпти. Демак, ўғрилар орқамиздан пойлаб юрипти, бориб карвонга хабар берайлик!" дедим. Карвонга бор воқеани айтдик, ҳамма ўрнидан турди, қанча қидирмайлик, ўғриларни топа олмадик ва шошиб йўлга тушдик... Кечкурундан то эрталабгача йўл юрдик ва бир манзилга етиб бордик. Икки эшагимиздан бири ўлиб, бири қолди. Ногоҳ ўнг тарафга боқиб, қирқта девсифат нопок қароқчини кўрдикки, ҳар бири тун мисоли даҳшатли, қўлидаги тиғлари эса, нур каби ўткир ва шиддатли эди. Бу бадбахтларнинг ҳар бири момақалдироқ каби гумбирлаб чинқирарди, қўлларидаги тиғи эса, чақмоқ каби шуъла сочиб ярқирарди. Улар бизга яқинлашган вақтда ҳаммамиз қалъа тепасига чиқиб яшириндик. Бир кун қалъа остида пойлаб ўтирдилар. Охири ўрниларидан туриб, жўнаб кетдилар. Эшитишимча, улар қайтиб боришгач, золим подшо билан ораларида жанг юз берибди ва икки томондан кўп киши ўлиб, дўзахга равона бўпти!

Қитъа:

**Муборак саналур,**
**наҳс бўлса ҳам,**
**Ўзаро жанг қилса икки**
**ситамкор.**
**«Икки золим жанги —**
**мазлум нажоти»,**
**Элда шундай деган**
**улуғ нақл бор!**

***Япония собиқ бош вазири Ёширо Мори, парламент депутатлари Тошихико Никкай, Коки Чума, Япония вазирлар маҳкамаси махсус маслаҳатчиси, мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним каби таниқли сиёсатчилар Осака шаҳрида республикамиз Фахрий консулхонасини очиш ғоясини қизғин қўллаб-қувватладилар.***

# ОСАКАДА ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙ КОНСУЛИ ИШ БОШЛАДИ

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчиси М.Очилов сўзга чиқиб, ушбу воқеа мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлик ришталари ва дўстона алоқалар самарадорлигига хизмат қилишини таъкидлади.

Республикамиз Фахрий консулхонасининг айнан Осака шаҳрида очилгани бежиз эмас. Чунки шаҳар жойлашган Кансай минтақаси йирик иқтисодий, сармоявий ва маданий салоҳиятга эга бўлиб, ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга моликдир.

Айни пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент-Токио-Осака йўналишида ҳафтасига уч марта ҳаво қатновини амалга оширмоқда. Июль ойидан бошлаб эса бу кўрсаткични ҳафтасига тўрт мартага етказиш режалаштирилаяпти.

Маросимда йирик япон компанияларидан бири — «Chori Co., Ltd» маслаҳатчиси Хисао Накамура номзоди Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фахрий консули лавозимига тасдиқланганлиги эълон қилинди. У Япония сиёсий ва ишбилармон доираларида катта ҳурмат-эътибор қозонган шахс ҳисобланади.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ришталарни янада ривож топишида ўз кучимни аямайман, — дейди Ўзбекистон Фахрий консули «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюда. — Мен алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ўзаро ҳамкорлигимизнинг абадий давом этишига ишончим комил. Чунки япон халқи Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистонни чин юракдан севади ва унга интилиб яшайди.

**Беруний АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА, Токио.**

## САНАМАЙ САККИЗ ДЕМА

Меҳр-оқибат ҳақида кўп гапирамизу, баъзан билиб-билмай ўзгаларнинг устидан шошилинч хулоса чиқариб, меҳр-оқибатни унутгандек бўламиз. Кейин эса воқеанинг тагига етгач, нотўғри фикрлаганимиздан ҳижолат тортиб, анчагача ўзимизни кечиролмай юрамиз. Яқинда бир дўстимиз ҳикоя қилиб берган қуйидаги воқеа айнан шунинг мисоли экан...

— Собиржон бугун яна ишга келмади.

Бу гапдан бошлиқнинг асаби бузилди.

— Менга қаранг, сиз кимсиз ўзи, бригадирмисиз ёки... Наҳотки пешқадам қурувчингиз уч кундан бери ишга келмайдию, сабабини суриштирмайсиз, хабар олмайсиз.

— Нима бўларди, яна ичгандирда...

Ўзини оқлаш ниятида айтилган бу гап бошлиқнинг баттар ғазабини қўзғатди.

— Одамлар ҳақида ўйламай-нетмай бунақа ҳукм чиқариш яхши эмас ўртоқ Холбоев. Ҳўш, ўзингиз ичмайсизми?

— Ҳа, энди унда-бунда... Меҳмонда... чайналди Кимсанбой.

— Менимча Собиржон ҳам унда-бунда, меҳмонда ичса керак. Ё у ичкиликка муккасидан кетганми?

— Йўқ, Собиржон ундайлардан эмас, — бир овоз билан Собиржонни ёқлашди ҳамкасблари. Кимсанбойнинг боши эгилди.

«Шу иш чакки бўлдида, — ўйларди у ҳозир. — Суриштирмай-нетмай туриб бегуноҳ бир инсонни кўпчилик олдида юзини қора қилмоқчи бўлдим. Ахир қулоғига етиб қолса борми? Ҳар қалай эски қадрдон эдик, яхши бўлмайди. Қолаверса мени ишга олиб келган ҳам шу Собиржон эдику»...

Кимсанбойнинг кўнимсиз вақтлари эди. Шундай кунларнинг бирида ён қўшниси илғор қурувчи Собиржон у билан суҳбатлашиб қолди. Сўнг шундай деди:

— Бўпти, эртадан бошлаб мен билан бирга ишлайсан.

Ўша кундан бошлаб улар ёнма-ён ишлашди. Собиржон дўстига қурувчиликнинг барча сир-асрорларини ўргатди. Кимсанбой бир нави ишлаб юрди. Кейинчалик ичкиликка берилди. Жамоа кўпинча иш қолдирадиган бу одамни ишдан четлатмоқчи бўлганида ҳам Собиржон қаттиқ турди. Уни ўзи кафилликка олиб, ишда олиб қолди. Бора-бора Кимсанбой ҳам Собиржон таъсирида пешқадамлар сафига чиқиб олди. Бригадирликка кўтарилишида ҳам унинг номзодини биринчи бўлиб кўрсатган ана шу Собиржон эди.

Ҳаёт қизиқ эканда. Баъзан омадинг юришмай қоларкан. Собиржон ҳам ана шундай бўлди. Етимликда ўсди, рўзғор тутиб уйланди. Бунинг устига хотини туғмади. Ўн йил чидади. Ниҳоят бир ой-илгари хотини билан ажралишди. Шуни била туриб Кимсанбой ундан ҳол-аҳвол сўраш, оғир вақтда дўстига ёрдам қўлини чўзиш ўрнига асоссиз уни айбдор қилмоқчи бўлди.

Кимсанбой тушликни насия қилиб, эски «Запорожец» машинасига ўтириб, Собиржоннинг уйи томон уни тариллатиб ҳайдаб кетди. Кимсанбойни қўшни хотин Сарви хола кутиб олди.

— Вой, бор бўлгур ўғлимей. Дом олиб кўчиб кетганингдан бери қўшниларингдан ҳам хабар олай демайсан-а? Ҳай ўғлим Собиржонга нима бўлди. Уч кундан бери уйга келмайди. Шу бугун суриштириб, сени олдинга бормоқчи эдим.

Қидир-қидир бошланди. Кейин билишса, Собиржон машина фалокатига учраб касалхонага тушиб қолган экан.

— Яшангларей, — деди уларни кутиб олган кексароқ бир жарроҳ кесатиқ билан—наҳот бир инсон ўлим тўшагида ётсаю сўраб-суриштирмасанглар. Биз хабар қилайлик десак беҳуш ётибди. Бунинг устига ёнида ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан.

Касалхонанинг реанимация бўлимида ранглари докадек оқариб, кўзлари синиқиб кетган Собиржон беҳол ётарди. Шифокорларнинг сурункали муолажасими, ёки яқинларининг ёқимли овози таъсириданми, бемор оҳиста кўзини очди. Олдин Сарви холага, кейин Кимсанбойга узоқ тикилди. Хола чидаб туролмади. «Онанг ўргулсин, болам», деб ҳўнграб юборди. Шифокорлар уни қўярда-қўймай ташқарига олиб чиқишди. Кимсанбой дўсти ёнига тиз чўкди. Собиржон мамнунлик билан унинг қўлларини силади.

Қиссадан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола, азизлар.

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## АНТИҚА УСУЛ

«Айтмаган жойга, йўнмаган таёқ» деган гап бор халқимизда. Бу гапнинг асл маъноси айтган жойдан қолма, айтмаганга борма дегани. Масалан, биз таниш-билишларнинг тўйига нима учун борамиз? Албатта таклиф қилинганимиз, қолаверса ўша хонадонни яхши кун билан муборакбод этгани борамиз. Тўй эгаси ўз истак ва имкониятларидан келиб чиқиб, лозим топган одамларини тўйига чорлайди. Баъзи ҳолларда тўй ёки маъракага келиб-кетаётганлар орасида бегона кишилар ҳам учраб қолади. Бу ҳам табиий ҳол. Чунки биров айтилган жойга якка ўзи боргиси келмай, бирон дўсти ёки яқин танишини эргаштириб бориши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Айниқса эрталабки ошга шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига боришнинг ўзи бўлмайди. Бундай ҳолларда ўзингда транспорт бўлса яхши, акс ҳолда бирор яқин танишингиз ҳайдовчига илинишингга тўғри келади ва албатта у билан бирга тўйхонага киришга мажбурсан. Чунки ўзинг кириб унга «Сен шу ерда мени кутиб тур», дейиш ўзбекка хос одат эмас.

Майли, буларку одатий ҳол дейлик. Лекин ўзгаларнинг тўйига атайлаб борадиганлар ҳам учраб турар экан. Борганда ҳам кимнинг тўйига денг — унинг ўз тили билан айтганда казо-казоларнинг тўйига. Энди у бу тўйга ночорликдан, ёки қорин тўйдириш учун эмас, балки ўзини «реклама» қилиш учун, ўзгаларга кўриб қўй, мен кимнинг тўйига келдим. Тўйбоши менинг қадрдоним ёки яқин таниш-билишим деган маънода ўзини кўрсатиш учун боркан.

Ҳабибулла деган бир танишим мени кўрди дегунча қўшқўллаб кўришиб, салом-аликдан сўнг сўрарди:

— Қалай Зийрак бобо, яхши юрибсизми?

— Бир нави, — дердим мен.

— Дунёда нима янгиликлар бор?

— Янгиликлар кўп. Сизга қай бирини айтай.

— Биз учун янгиликлар ичида энг яхшиси тўй-да. Тўйдан гапиринг бобо. Машойихлар «Яхшидир-ёмондир ошдан гапир», деган эканлар.

— Тўйлар кўп. Эртага фалончи ўғлига ош беряпти. Индинга тугунчи...

Кейин у мен айтган одамларнинг иш жойи ва лавозимини сўраб-суриштириб кетарди. Ҳабибуллага: «Буниси нима учун керак», десам у: «Ҳар қалай билиб қўйганимиз яхшида», деб қўярди кулиб. Шундай кезларда «Ёпирай, ишқилиб шу бола бирор айғоқчи эмасмикан?» деган гумонга ҳам борар эдим баъзида. Ўзим ҳам уни кўпинча мансабдор кишиларнинг эрталабки ошида ёки кечки йиғинида тез-тез учратиб қолардим. Энг муҳими, у жойни танлаб, нуфузли меҳмонлар орасида ўзини кўз-кўз қилиб ўтирарди.

Бир куни юқори лавозимда ишлайдиган дўстимнинг туғилган кунида уни давра тўрида кўриб қолдим. Атайлаб тўйбошидан шу инсоннинг кимлигини сўрадим. У мутлақо танимаслигини айтиб: «Лекин ора-чора шунақа давраларда кўриб юраман. Билмадим уни бу тўйга ким таклиф қилган экан», деб қўйди ажабланиб.

Кунлар ўтиб Ҳабибуллони ҳоли топиб суҳбатлашиб қолдим. Ётиғи билан ундан нега бу қадар меҳмонга ўчлигини сўрадим. Олдинига у анчагача тайсаллаб дилидаги гапни айтмай турди. Кейин ҳақ гапга кўчди. Ўзини одамлар орасида баобрў кўрсатиш учун қиларкан бу ишни. Бор гап шу. «Иш билгунча сўз билгин» деганларини эшитгандиму, лекин обрў олишнинг бунақа антиқа усулини ҳали эшитмаган эдим.

*Бу — қизиқ*

## ПОМИДОР БИЗГА ҚАЧОН ВА ҚАЁҚДАН КЕЛДИ?

***Помидорни «Олтин олма» деб атайдилар, унинг тарихи ҳам «Ер олмаси»нинг тарихига ўхшаб кетади.***

Ҳозирда овқатларимизнинг лаззатли масалликларидан бири бўлган помидорни бундан бир аср илгари ҳеч ким емас эди. Ўша вақтда помидорнинг таркиби бутунлай ўрганилмаган бўлиб, одамлар уни заҳарли мева деб тавсия қилишарди. Европа мамлакатларида бу ўсимликни тувакларга ўтказиб, гуллар билан бир қаторда парвариш қилганлар. Заҳарлилиги тўғри. Помидорнинг кўк хомагида тирозин деган модда бўлиб, у ўта заҳарлидир , тузламай ейилса заҳарлайди, шунинг учун уни ҳатто мол ҳам емайди.

Кўпгина манбаларда айтилишича, помидор Жанубий Америкада, Перуда тарқалган. Мексикаликлар бу ўсимликни «таматель» деб атаганлар. Испания Перуни босиб олгач, помидор Европага келтирилган. XVI асрда бу ўсимлик Европанинг Ўрта денгиз ҳавзаларидаги мамлакатларига тарқалган. Италияда помидорни, «помо-доро», яъни « олтин олма» деб атаганлар. Бу вақтда помидор Европанинг шимолий томонларига тарқалмаган эди. Помидорнинг 1754 йилда манзарали ўсимлик сифатида биринчи марта селекцияга киритилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Кейинчалик помидор Греция орқали Туркияга ва бу ердан 1850 йилда Қримга келтирилган. Қримда уни «муҳаббат олмаси» деб атаганлар. Шундан кейин кўп ўтмай бу сабзавот Россиянинг жанубий районларида экила бошлаган ва озуқа сифатида дастлаб шу ерда қўлланилган. Ўтган асрнинг тахминан 70 - йилларидан бошлаб помидор ўсимлиги Россиянинг марказий ва шимолий районларида ҳам бирмунча кейин ўстира бошланган, Ўзбекистонда помидор ўстириш ўтган аср бошларида расм бўлди. Бу даврда Ўзбекистондаги солдат ошхоналари, Европача ресторанларда ажойиб мевалар ва сабзавотлардан турли таомлар тайёрланар эди. Бу ерга кўчиб келган рус деҳқонлари қулупнай, малина, смородина, қирмиска (кримский) узум ва Россия гилоси, шунингдек, картошка, қанд, лавлаги, карам, редиска ва шу каби сабзавотлар қатори помидор ҳам етиштира бошладилар. Бироқ ўша вақтларда помидорни маҳаллий халқ емас эди. Аммо кейинроқ помидорнинг ажойиб озуқалик сифатини билиб олган маҳаллий аҳоли уни тобора кўпроқ истеъмол қила бошлади. Ўша вақтларда баъзилар помидорни «падиджон», яъни «жон ато қилувчи мева» деб атар эдилар.

Эндиликда помидорнинг ўнлаб навлари яратилган бўлиб, юзлаб таомларда ишлатилади.

Тошкент вилояти, Бўка авиасервис коллежи томонидан 2002 йил, 20 июлда Ширинов Тохиржон Турдимуротович номига берилган Т № 030698 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**31 май—6 июнь**



**Қўй** (21.03-21.04)—Ушбу ҳафтада сизда тадбиркорликка бўлган қизиқиш янада кучаяди.Афсус интилишларингиз натижа бермаслиги мумкин.



**Бузоқ** (22.04-20.05)—Шу кунларда яхши кайфият,ўз кучингизга бўлган ишонч сизга кўп яхши ва омадли дамларни бахш этади. Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.



**Эгизаклар** (22.05-21.06)—Бу ҳафтада сизда куч-ғайрат ва ижодий кўтаринкилик жўш уради. Буни нафақат ўзингиз,балки атрофдагилар ҳам ҳис қилишади.



**Қисқичбақа** (22.06-22.07)—Ушбу ҳафтада кўпдан ўйлаб юрган режаларингизни амалга ошириш учун қулай фурсат келади. Яхши ният билан бошлаган ишларингизга дадил киришинг.



**Арслон** (23.07-22.08)—Ҳар қандай таваккалчилик билан бошланган иш хайрли бўлавермайди.Тадбиркорлик соҳасида айниқса пухта билим ва чуқур мулоҳаза билан иш бошлаш керак бўлади.



**Паризод** (23.08-22.09)—Айни кунларда кайфиятингиз яна ҳам аъло бўлиши кутилмоқда. Сиз учун омадли ва бахтли кунлар бошланади. Соғлиғингиз бироз безовта қилиши мумкин.



**Тарози** (23.09-22.10)—Шу кунларда ички ҳиссиётларингизга қулоқ тутсангиз ёмон бўлмасди. Ноқулай вазиятга тушиб қолишингиз, дўстларингиз олдида обрўйингиз тушиб кетиши мумкинлигини тушунишингиз керак.



**Чаён** (23.10-22.11)—Ушбу ҳафтада фаоллигингиз ошиб одатий юмушларга ҳам ижодий ёндошасиз. Ишларингиз унуми ошгани сайин кайфиятингиз ҳам кўтарилади.



**Ўқотар** (23.10-21.12)— Айни кунларда ўқотарлар ҳаётида ниҳоятда қувончли, айримлар учун эса эсда қоларли воқеалар бўлиши кутилмоқда. Ҳаммаси тақдири азалга боғлиқ.



**Тоғ эчкиси** (22.12-19.01)—Бу ҳафтада кутилмаган учрашувлар сизни ҳайратга солади. Бу учрашувлар келгусида сизнинг катта ишларни амалга оширишингизга туртки бўлади.



**Қовға** (20.01-18.02)—Шу кунларда сизнинг алоҳида жиҳатларингиз атрофдагиларга бирмунча ёмон таъсир этади. Шундай бўлсада ҳурмат ва обрўингизга путур етмайди.



**Балиқ** (19.02-20.03)—Ушбу ҳафта турли ҳужжатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга киришмай турганингиз маъқул. Ўзингизга тегишли бўлмаган масалаларни ҳал қилманг. Яхшиси ўз ижодий ишларингиз билан банд бўлишга ҳаракат қилинг.

*«01»*

## БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

***Кўп йиллар мобайнида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ашаддий душмани олов эмас, балки кишиларнинг бепарволиги бўлиб келаётир. Чунки шу иллат туфайли содир бўлаётган ёнғинлар натижасида одамлар мол-мулки, уй-жойидан айрилмоқдалар. Ҳаётлари ҳам хавф остида қолмоқда. Турли хил куйиш тан жароҳатлари олмоқдалар ва бутун умриларини курсига муҳрланган ҳолда ўтказишмоқда...***

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида Ҳамза туманида 41 та ёнғин содир бўлиб, 334 минг сўм миқдорида моддий зарар кўрилган. Энг ачинарлиси, бу ёнғинларда икки киши ҳалок бўлиб, иккитаси турли даражадаги куйиш ва тан жароҳати олган.

Ёнғинларнинг кўпи баҳор ва ёз фаслига тўғри келиб ахлат, қуриган ўт, шох-шаббаларни ёқиш ва оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида содир бўлмоқда. Шу ўринда шу йил содир бўлган ёнғинларнинг бир нечтасини мисол тариқасида келтириб ўтишни лозим топдик. Масалан, 2004 йил 12 апрель куни маст ҳолда оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижасида Табассум 2-тор кўчаси, 24-уйда ёнғин содир бўлганида 27 квадрат метр уйнинг шифти ва уй жиҳозлари ёнган.

2004 йил 16 апрель куни ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилганлиги ва уларнинг олов билан ўйнаши оқибатида Паркент кўчаси, 428-уйда ёнғин содир бўлган. Ёнғин оқибатида уйнинг 50 метр квадрат том қисми ёнган.

Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида Ҳамза тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими қуйидагиларни таклиф этади: аҳоли турар жой бинолари, корхона, ташкилот, даволаш масканлари ҳудудида ва теварак атрофидаги очиқ майдонда қуриган ўт-ўлан ва чиқиндиларни ёқмаслик керак. Ҳар бир корхона, ташкилот ёнғин ўчириш воситаларини соз ҳолга келтириб ҳовузларни сувга тўлдириб қўйиши даркор ва барча ишчи-хизматчилар билан ёнғинга қарши курашиш бўйича суҳбат ўтказиб турилиши лозим.

**Зафар ХАТАМОВ,**
**Ҳамза тумани Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ «БОЖХОНА ЮК БАЁННОМАЛАРИНИ» (ГТД —1, ГТД —2, ДТС —1 ВА ДТС —1 ДОП) ТАЙЁРЛАТИБ ХАРИД ЭТИШГА
*ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.*

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 120-76-60
КОММУТАТОР: 120-76-00
ИЧКИ: 26-11, 26-08

*Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.*

### ДИҚҚАТ, НАЗОРАТ!

***Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

SONY-54, кумушсимон стерео 200 у.е, SONY-63, кумушсимон стерео 300 у.е Янги телевизорлари сотилади. Тел: 22-98-05

«Радио деталлари» дўкони ҳар хил турдаги радио-деталлари, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади. Телефон: 68-93-93.

"ИШЛАБ ТОП!"

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.
Қўшимча маълумотларни 137-72-20, 137-72-21 телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:
www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

## «02»: ҲОДИСАЛАР

***• «Қўйлиқ» даҳасида З.Епископосян танҳо ўзи бозордан чиқиб келаётган эди.***

Рўпарасидан номаълум киши югуриб келиб, унинг бўйнидаги 180.000 сўмлик қимматбаҳо тақинчоқларини тортиб олиб қочиб кетди. Лекин у узоққа қочиб улгурмади. Йўлда уни ички ишлар ходимлари қўлга олди ва жиноятчи Э.Андрей эканлиги аниқланди.

***• Сергели тумани, Дўстлик 2-даҳаси, 26-уй, 16-хонадонда яшовчи Т.Зайцевнинг уйидан «ДЭУ» телевизори ўғирлаб кетилган.***

Ушбу жиноятни бегоналар эмас, Зайцевнинг уйида ижарада яшовчи Ф.Юра ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб амалга оширган экан. Албатта ушбу жиноятнинг очилишига ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари сабаб бўлди.

***• Сергели тумани, Қурувчилар даҳасида яшовчи Д.Зарифбоевнинг уйи олдидаги омборхонасида жами 95.500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сақланар эди.***

У ушбу маҳсулотларнинг озроқ қисмини олиб чиқмоқчи бўлиб, омборхонага кирдию ҳайрон бўлиб, ёқа ушлади. У ерда ҳеч вақо йўқ эди. Д.Зарифбоев зудлик билан «02» га қўнғироқ қилди. Тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу ҳудудда яшовчи А.Виктор ва Д.Ивановлар ашёвий далиллар билан ушланди.

***• Кундузи соат 13.00 лар атрофи. «Буюк Ипак йўли» метро бекатидан чиқиб келаётган Г.Сарапуловни номаълум бир кимса қўрқитиб, қўлидаги 86.000 сўмлик «Самсунг-200» уяли телефон аппаратини тортиб олиб қочиб кетди.***

Югурганча жиноятчининг орқасидан қувиб бораётган жабрланувчининг жонига милиция ходимлари оро киришди. Улар жиноятчи А.Қодирни ашёвий далил билан қўлга олишди.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази жамоатчи мухбири.**

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи — меҳнат фахрийси Ҳожиакбар Расуловга волидаи муҳтарамаси

**ЗЕБУНИСО аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи, Ҳожиакбар Абдураҳимович Расуловга волидаи муҳтарамаси

**Зеби ҲОЖИ онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Тақдимот*

# САРВИНОЗ

***Бугунги кунда шаҳримиз кинотеатрларида ўзбек кино ижодкорлари томонидан суратга олинган бир қатор янги бадиий фильмлар намойиш қилинмоқда.***



Куни кеча Алишер Навоий номидаги санъат саройида яна бир янги «Сарвиноз» номли бадиий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. «D.VISION» студияси ижодкорлари томонидан суратга олинган ушбу фильмнинг сценарий муаллифлари — Шойим Бўтаев ва Баҳром Ёқубов. Фильмга Баҳром Ёқубов режиссёрлик қилган, оператор — Даврон Нодиров.

«Сарвиноз» фильмида севги-муҳаббат, бугунги ёшларимизнинг илк ҳаётий синовлари, инсоний муносабатлар, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги зиддиятлар, хуллас ҳаёт деб аталмиш мураккаб ҳилқатнинг турфа қирралари, чиғириқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Сарвиноз номининг маъноси — кўкка бўй чўзувчи, букилмас, енгилмас, иродали дегани. «Сарвиноз» фильмининг бош қаҳрамони ҳам ана шундай хислатларга эга бўлган қиз. У бўлғуси хонанда. Консерваторияда таҳсил олади. Фильм бош қаҳрамонлар — Сарвиноз ва Одилнинг севгиси орқали ҳаётий воқеликларни, инсоний тақдирларни, бугунги кунимиз учун долзарб бўлган масалаларни ўртага ташлайди. «Сарвиноз» куй-қўшиқларга, жозибали лавҳаларга, қизиқарли сюжет йўналишига, лирик талқиндаги ўзига хос тасвирий ечимга бой бўлган фильмдир.

Фильмда таниқли актёрлар жамланган. Убайдулла Омон, Мурод Ражабов, Гавҳар Зокирова, Саида Раметова каби актёрлар билан бир қаторда ёш, истеъдодли актёрлар Камола Умархўжаева, Ҳусан Режаметов, Улуғбек Юнусов, Ситора Фармонова асосий ролларни ижро этишган. Бош қаҳрамонлар Сарвиноз ва Одил ролини дебютант актёрлар Зилола Мусаева ва Улуғбек Қодиров талқин қилишди. Фильм учун айнан киноасарнинг мазмун-моҳиятини тўлдирадиган тўртта янги қўшиқ басталаниб, ушбу қўшиқлар «TARONA RECORDS» студиясида ёзилиб, уни Шаҳзода ижро этган.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: «Сарвиноз» фильмидан лавҳа.**

*Мўъжизалар оламида*

# «ОНА» МЕҲРИ

**Бўлган воқеа**

Чумоли ҳақида гап кетганда, ҳамиша хаёлимда Криловнинг машҳур «Ниначи ва чумоли» масали жонланади. Унда ниначининг «ҳозирги-ҳузури»ни ўйлаши-ю чумолининг заҳматкаш, фидойилиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Яқинда кўз ўнгимда бўлиб ўтган воқеа чумолининг фақат заҳматкашлигини эмас, балки унинг оналарга хос бўлган фазилатини ҳам исботлади.

Дам олиш куни қишлоқдаги дўстимникига борган эдим. Кечқурун мусаффо куз ҳавосидан тўйиб нафас олиш мақсадида дала айландик. Ола шафақ қуёш ётоғига бош қўярди. Тубсиз адирларга уланиб кетган ғалла майдонларининг охири кўринмайди. Емишини ортмоқлаб манзил томон ошиқиб бораётган бир чумолига қизиқиб тикилиб қолдик. Унинг ёнида миттигина чумоли йўрғалаб боряпти. У гоҳ онасига етиб олади, гоҳ орқада қолади. Она чумоли ҳам ҳар қанча ошиқмасин, бир зум боласини унутмайди. Вақти-вақти билан тўхтаб, «эркатойи»нинг етиб келишини кутиб туради. Боласи ёнма-ён келгач, кўнгли тинчиб яна олдинга интилади.

Бирдан бахтсизлик рўй берди. Митти чумоли шошганидан-ми, ёки тасодифданми бирдан кўлмак сувга тушиб кетди. У «оролча» ўртасигача сузиб борди. Кейин кучи келмади шекилли, сув юзида қалқиб қолди. Хавфни сезиб она чумоли шоша-пиша орқасига қайтди. Боласига ёрдам бериш истагида кўлмак атрофини гириллаб айланди. Бир-икки бор сувга тушишга жазм этди-ю, лекин юраги дов бермади. Шу пайт устига оғир «юк» ортмоқлаган бошқа бир чумолини кўриб ўша томон югуриб кетди. Унга ўз «ниятини» уқтиргач, икковлашиб кўлмак томон чопишди. Қаердандир пайдо бўлган яна икки чумоли уларнинг орқасидан шоша-пиша «воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. Дастлаб она чумоли, сўнг бошқалари кўлмак бўйлаб сузишди. Тўрттовлон миттини ўртага олишиб, қирғоққа қайтишди.

Хавф бартараф бўлди. Уч чумоли сўқмоқ бўйлаб, она ва митти чумоли эса ёнма-ён ошиқмасдан уялари томон йўрғалаб кетишди.

Шу воқеани кўриб туриб, халқимизнинг «Кўпдан қуён қочиб кутулмас», деган сўзи нақадар ҳаётий эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

**Қ.ИСОҚОВ,**
**ишчи.**

*Бўш вақтингизда*

# «М» ҲАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРД



**Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:**

1. Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан. 2. Вазн ўлчовининг 4,26 граммга тенг бирлиги. 3. Саноатнинг босма нашрлар чиқариш тармоғи. 4. Билим маскани. 5. Юқумли касаллик келтириб чиқарувчи жуда кичик организм. 6. Ўзбек мумтоз шоири, ғазалнавис. 7. Фазодан Ер атмосферасига шиддат билан учиб келадиган, чўғдек қизиб, ёрқин из қолдирувчи жисм. 8. Мучал йили. 9. Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларидаги қадимий илмгоҳ. 10. Металл буюмларини таъмирловчи ҳунарманд. 11. Германияда ишлаб чиқарилган автомобиль. 12. Бирор киши хотирасига бағишлаб ёзилган шеър. 13. Назм тарзида ёзилган асар. 14. Ҳиндистон жанубидаги йирик бандаргоҳ шаҳар. 15. Сайхонлик ер, экинзор. 16. Мусиқа асбобини чалиш мосламаси. 17. Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 18.Шарафига қуйма металл олиш қурилмасининг номи берилган ихтирочи, француз металлурги. 19. Ёдгорлик иншооти. 20. Воқеликни оҳанг орқали ифодалаш санъати. 21. Ижодкор, матбуот ходими.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Бирор нарсага чин дилдан берилиш — 1, 10, 4, 13, 3.

2. Бокс майдони — 5, 1, 8, 11.

3. Сувсиз, биёбон маскан — 9, 2, 7, 15.

4. Шамсия йил ҳисобидаги тўққизинчи ой — 12, 2, 14, 3.

5. Энг улкан жонивор — 6, 1, 15.

Энди шаклнинг ўрта қисмларидаги рақамларни очқич жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан донишманд ижодкор Юсуф Хос Ҳожиб меросига мансуб ҳикматли сўзни билиб олишга муваффақ бўласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 21 май сонида берилган**
**«Ф» ҲАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Фахр. 2. Фарғоний. 3. Фоний. 4. Фобос. 5. «Форд» 6. Фарғона. 7. Фуко. 8. Фузулий. 9. Фтор. 10. Франс. 11. Финал. 12. Фонетика. 13. Форс. 14. Фосфорит. 15. Фирма. 16. Флора. 17. Фоиз. 18. Формула. 19. Фунт. 20. Фазилат. 21. Фикр. 22. Фонус. 23. Фиғон. 24. Фурфулол.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар**: 1. Машраб. 2. Хитой. 3.Сув. 4. Қоя. 5. «Жаҳон». 6. Элак.

Ҳикмат: Мурувват бирла жонни нисор эт,
Ҳамиша яхшиликни шиор эт.

**САЙҚАЛИЙ.**

**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4273 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-607. 1 2 3 4 6